

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР – ЕТУК МУТАХАССИС ШАКЛЛАНИШИНИНГ АСОСИДИР ПОЙДЕВОРИ

Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Ислом КАРИМОВ

Бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, таълим мазмунини такомиллаштиришга оид қабул қилинган ҳукумат қарорлари, таълимни ҳаёт билан боғлашни, ўқитиш самарадорлигини оширишни, тез тараққий этиб бораётган жамият учун ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришни талаб қилади.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Шу боисдан ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Таълим соҳаси жамият тараққиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинаётганининг боиси ҳам шунда. Зеро, келажак – ақл-заковатли, билимдон, ўз Ватанининг фидойиси бўлган иқтидорли ёшлар кўлидадир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида мисли кўрилмаган катта ютуқларга эришилди ва эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Эришилган муваффақиятларнинг энг залворлиси, сўзсиз таълим тизимидаги ютуқлар бўлиб, ўтган 21 йил мобайнида ёш авлодни ақлий, жисмоний ва маънавий камолотга етказишда туб ислохотлар амалга оширилди. Узлуксиз таълимнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ва бугун ўз самарасини бераётган Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Миллий дастурни амалга ошириш жараёнида давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, янги дарсликлар яратилди, ўқув тизимининг ташкилий ва моддий базаси мустаҳкамланди, минглаб янги мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилди, янги олий ўқув юртлари очилди. Олий таълим ҳам халқаро талабларга мос равишда бакалаврият ва магистратура босқичларига бўлинди. Ҳозирги кунда таълим соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш учун мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 12 фоизи йўналтирилмоқда. Бу ниҳоятда юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш, мақсадли тайёрлаш, уларни маълум аниқ мақсадга йўналтирган дастур асосида ўқитиш, илмий ишларга жалб қилиш, илмий салоҳиятини ошириш ҳамда салоҳиятли кадрлар тайёрлаш таълим йўналишининг олдига қўйган асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида иқтидорли талабаларни тайёрлаш ва илмий ижодий фаолиятини ташкил этишдан асосий кўзланган мақсад уларнинг илмий-техникавий ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш орқали мутахассислик ва касбий-ижодий тайёргарлик даражасини оширишдан иборат.

Талабаларни илмий-ижодий фаолиятини мақсадли ташкил этиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", олий таълим муассасасининг Низоми ва "Иқтидорли талабалар билан ишлаш" бўлими Низомлари асосида мувофиқлаштирилмоқда. Иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлашда – фанларни юқори даражада ўзлаштириш, компьютер билимданлигини ошириш, чет тилларидан бирини пухта эгаллаш, илмий-ижодий ишларга йўналтириш, илмий-ижодий ишларни бажариш жараёнида мустақил фикрлаш, янги фикр ва

мулоҳазаларни билдириш, амалда тадбиқ этиш назарда тутилади. Шунингдек давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри баҳолайдиган, ватанпарвар, ҳар томонлама баркамол, комил инсон қилиб шакиллантиришдан иборат.

Бу борада Тошкент фармацевтика институтида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Институт ректори А.Н.Юнусхўжаев раҳнамолигида иқтидорли талабаларга кенг имкониятлар ташкил қилинган бўлиб, бунинг натижаси сифатида ҳар йили олий таълим ва республика миқёсидаги турли илмий анжуман ва танловларда бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Жумладан иқтидорли талабалар “Талабалар илмий жамиятида”,



“Фармацияда фан таълим ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари”, «Тиббиётнинг долзарб муаммолари», «XXI аср интеллектуал авлод асри» шиори остида ўтказилган ёш олим ва талабалар илмий – ижодий анжуман, танловларда бакалавриатура ва магистратура талабалари илмий маърузалари билан фаол қатнашишмоқда.

Шу билан бирга илмий иш натижалари анжуман материалларида чоп этиш кенг йўлга қўйилган.

Иқтидорли

талабаларни мақсадли тайёрлаш уларни етук малакали мутахассис сифатида ижодий камол топишига йўналтиради ва улар ўз илмий изланишлари билан келажакда фан тараққиётига истиқболли янгиликлар киритади.



Тошкент фармацевтика институти,
Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи доцент

Г.Ю. Маликова